

А Ж Р И М
ишни ярашув билан тугатиш ҳақида

2023 йил май ойининг 30-куни, жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи З.Омонов, судья ёрдамчиси – И.Усмоновнинг котиблигида, тарафлардан прокурор ёрдамчиси Ҳ.Комилжонов, судланувчининг ҳимоячиси – адвокат Д.Рустамова, жабрланувчи С.Ахмаджонова қатнашувида,

Махмудов Ғуломқодир Шермухаммедович (Махмудов Ғуломқодир Шермухаммедович), 1978 йил 25 июль куни Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам:

1) Шарқий ҳарбий округ ҳарбий судининг 2001 йил 12 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисми “б” банди ва 287-моддаси 3-қисми билан 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 2001 йил 22 августдаги амнистияга асосан 2001 йил 15 сентябрь куни жазодан озод қилинган;

2) ЖИБ Тошлоқ тумани судининг 2019 йил 15 апрел кунги ажрими билан ЖК 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖК 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган;

3) ЖИБ Қўштепа тумани судининг 2022 йил 25 август кунги ажрими билан ЖК 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган, мавсумий ишчи, Қува тумани, Қашқар МФЙ, Қашқар кўчаси 121-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 12 апрель куни олганга нисбатан,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 1-қисми билан юритилган 1-1511-2301/119-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Махмудов Ғуломқодир 2022 йил апрель ойида алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани эгаллаш мақсадида, жабрланувчи С.Ахмаджоновага унга тегишли бўлган савдо дўкони учун кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришида ёрдам беришини айтиб, ундан 1600 АҚШ доллари (жиноят содир этилган вақтда 1 АҚШ доллари 10.925 сўмдан, жами 17.480.000 сўмга тенг)



миқдордаги пулларни Қува тумани марказида фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Тергов органи томонидан Ғ.Махмудов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 1-қисми билан айбланиб, судга берилган.

Судланувчи Ғ.Махмудов судда берган кўрсатувида, 2022 йил апрель ойида Қува тумани марказида С.Ахмаджоновага унга тегишли савдо дўконига кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдам беришини айтиб, ундан 1600 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини олиб, уларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборгани, кейинчалик пулларни С.Ахмаджоновага қайтара олмагани, ҳозирда ўзи С.Ахмаджоновага етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб, у билан ярашиб олгани, қилмишига тўлиқ иқрор ва ундан пушаймонлигини баён этиб, суддан жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни илтимос қилди.

Жабрланувчи С.Ахмаджонова судда, 2022 йил апрель ойида судланувчи Ғ.Махмудов ундан савдо дўконига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришини айтиб, 1600 АҚШ доллари пулларини олиб, уни алдаб кетгани, ҳозирда судланувчи Ғ.Махмудов унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани, шу сабабли ўзи судланувчи билан ярашиб олганини айтиб, суддан жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, мазкур кодекснинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз қилмишига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлик муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи С.Ахмаджонова ва судланувчи Ғ.Махмудовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор ва ҳимоячининг жиноят ишини томонлар ярашгани муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи Ғ.Махмудовни содир этган қилмишига иқрорлиги ва моддий зарарлар тўлиқ бартараф этилгани, томонларга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув уларнинг хоҳиши билан бўлгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят мазкур кодекснинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, Ғ.Махмудовга оид жиноят ишини томонлар ярашгани муносабати билан тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисми, 585 ва 586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 1-қисми билан айбланган Махмудов Ғуломқодир Шермухаммедович (Mahmudov



G`ulomqodir Shermuxammedovich) mazkur kodeks 66¹-moddasiga asosan jinoyiy javobgarlikdan ozod qilinсин.

F.Maxmudovga nisbatan yuritilgan jinoyat ishi Ўзбекистон Республикаси ЖК 84-моддасининг 4-қисмига asosan унинг айблилик ҳақидаги масаласи ҳал қилинмай ҳаракатдан тугатилсин.

F.Maxmudovga қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

“Ипотека банки” Фарғона филиалининг вилоят ИИБ ҳисоб-рақамида сақланаётган 8.190.000 сўм пуллар жабрланувчи С.Ахмаджоновага етказилган моддий зарарни қоплаш учун қаратилсин.

Жабрланувчи С.Ахмаджоновага етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги эътиборга олинсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим нусхасини олгач, йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилояти судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

З.Омонов

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

